

Ҳалол яшаш ҳаловатдир

05:00 / 17.02.2017 3610

Худога шукр, доимо халқ орасида юрамиз, кечаю кундуз одамлар билан мулоқотда бўламиз. Кимнингдир ҳаёт тарзидан хурсанд бўлсак, кимларнингдир дунёқарашидан ранжиймиз.

Ёши улуғларимиздан кўп эшитганмиз. Ўтган асрнинг қирқинчи, эллигинчи йилларида халқнинг бошига чунонам қийинчиликлар тушган, эшитган одам “Оҳ!” деб юборади. Лекин ўша вақтлар ҳам одамлар ҳалол яшашган. Умумий, оммавий сабр қаноат бўлган. Очарчилик, қаҳатчилик, ҳар хил офатлар тез тез бўлиб турган, очлик, касалчиликдан қанча қанча одамлар ўлиб кетишган, бироқ ялпи талон торож бўлмаган. Нимага? Чунки одамларнинг инсофи, имони бўлган, қорни оч эса-да, кўзи тўқ бўлган.

Инсон дунёнинг қаерига бормасин, барибир, нима биландир шуғулланиб, тирикчилик қилиши керак. Бу ҳамма биладиган гап. Шароитлар сал бошқачароқ, енгилроқ бўлиши мумкин. Бироқ ҳар жойнинг ҳам ўзига яраша яхши ёмон томонлари бор. Мукаллаф ҳар бир мусулмон ҳалол ризқ излашга буюрилган.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари ёзадилар: “Ибодат фақат намозу рўзадан иборат эмас”. Демак, бир мусулмон киши газета кўтариб, сотиб юрадими, фаррош бўлиб ишлайдими, мол боқадими, бирор юқори идорада, заводда ишлайдими, ҳарбий ва бошқа хизматлар билан машғулми, машинаси билан киракашлик қиладими, барибир, нияти тўғри бўлса, у ибодат қилаётган бўлади. Худди минглаб ракат нафл намоз ўқиган, роса иссиқ ёки ўта совуқ кунда нафл рўза тутган кишилар қанчалик савоб топса, ўшанчалик савоб топиши ҳам мумкин бўлади. Мўмин банда касб қилиб чарчаса, фарз ибодатини адо этиб, ухлаб қолса, уйқуси ҳам ибодат бўлиб ёзилаверади. Чунки у ҳам диний, ҳам дунёвий ибодат билан банд эди.

“Бас, албатта, ҳар бир қийинчилик билан бирга енгиллик бордир” (Шарҳ, 5).

Инсон ўз яқин атрофида тирикчилик қилиш имкони бўлатуриб, нотинч жойларга бориб юриши, ўз Ватанида тижоратми ё бошқа бирор касб биланми шуғулланиб яшаш имконини ташлаб, фаҳшу зино вабосига ғарқ бўлган бошқа давлатга кетиши ҳеч дуруст эмас. Ибодатли одам ўзининг, бола чақасининг ризқини таъминлашга интилиб чарчаса, бу қийинчилигу оғирчиликлар жаннат роҳатига етишиш учун тўлов бўлиб юзага чиқади.

“Аллоҳ йўлида (бойликларингиздан) сарфлангиз ва ўз қўлларингиз (бахиллик қилиш) билан ўзларингизни ҳалокатга ташламангиз! (Барча ишларни) чиройли қилингиз. Албатта, Аллоҳ чиройли (иш) қилувчиларни яхши кўради” (Бақара, 195).

Зеро, жаннатга кириш учун пок ният билан Аллоҳ ризосига мувофиқ ҳаракат қилиш талаб этилади.

Раҳматуллоҳ САЙФУДДИНОВ

Тошкент шаҳридаги “Хўжа Аламбардор”

жомеъ масжиди имом хатиби